

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ЯХШИ ЛАБОРАТОРИЯ АМАЛИЁТИ (GLP)

Расмий нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАНДАРТИ
ЎЗ ДСТ 2762:201
ЯХШИ ЛАБОРАТОРИЯ АМАЛИЁТИ
GLP

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Тошкент

Суз боши

1. ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ва КИРИТИЛГАН.
2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан «___» _____ 2018 йил _____ сонли Қарор билан РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ва ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН.
3. Ушбу стандарт Россия Федерациясининг ГОСТ Р 53434-2009 «Яхши лаборатория амалиёти принциплари» Миллий стандартига мувофиқ тузилган.
4. O'z DSt 2762:2013 ЎРНИГА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН.

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида амалга жорий қилиш (амал қилишни бекор қилиш) ва унга ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳолатларида тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрсаткичда чоп этилади.

**ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА
ДАВЛАТ НОЗОРТИНГ
МУВОФИQLАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ**

Ушбу Давлат стандартини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этишнинг мутлақ ҳуқуқи «Ўзстандарт» Агентлигига тегишли.

Мундарижа

1	Қўлланилиш соҳаси.....	1
2	Атамалар ва таърифлар.....	1
2.1	Яхши лаборатория амалиёти принциплари.....	1
2.2	Синов марказларини ташкил этиш.....	2
2.3	Тиббий ва экологик хавфсизлик бўйича клиник олди тадқиқотлар.....	2
2.4	Тадқиқот объекти (тадқиқот ўтказиладиган ёки тестланувчи объект)...	3
3	Мақсади ва қўлланилиши.....	3
4	Яхши лаборатория амалиёти принциплари.....	4
4.1	Синов марказининг ташкилий тузилиши ва ходимлари.....	4
4.2	Сифатни таъминлаш дастури.....	6
4.3	Хоналар.....	7
4.4	Асбоб-ускуналар, материаллар ва реагентлар.....	7
4.5	Тест-тизимлар (синов тизимлари).....	8
4.6	Тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектлар.....	9
4.7	Стандарт операцион процедуралар.....	9
4.8	Тадқиқотларни ўтказиш.....	10
4.9	Тадқиқот натижалари ҳақида ҳисобот.....	12
4.10	Ўзма материаллар (ҳужжатлар) ва материалларни сақлаш.....	13
	Библиография.....	14

Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT N'ZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ЯХШИ ЛАБОРАТОРИЯ АМАЛИЁТИ (GLP)

НАДЛЕЖАЩАЯ ЛАБОРАТОРНАЯ ПРАКТИКА (GLP)

GOOD LABORATORY PRACTICE (GLP)

Жорий этиш санаси 30.11.2018

1 Қўлланилиш соҳаси

Мазкур Давлат стандарти (бундан буён матнда стандарт деб юритилади) фармакологик/дори воситаларини ёки тиббий буюмларни (тадқиқот қилинадиган объектлар) клиник олди тадқиқотларини ўтказишда қўллаш учун мўлжалланган яхши лаборатория амалиёти принципларини белгилайди.

Тадқиқот қилинадиган объектлари синтетик усул билан ёки табиий хом ашёдан олинган бўлиши мумкин, айрим ҳолларда эса таркибида тирик организмларни ҳам саклаши мумкин. Тадқиқотларнинг мақсади, текширилувчи объектларнинг хоссаларини инсон соғлиғи, ҳамда ташқи муҳитга безарарлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг олишдан иборат. Яхши лаборатория амалиёти принципларини қамраб олган тиббиёт ва экология хавфсизлиги соҳасидаги клиник олди тадқиқотлари лаборатория, хона ва дала шароитларида ўтказиладиган тадқиқотларини ўз ичига олади. Яхши лаборатория амалиёти принциплари миллий қонунчиликда алоҳида таъкидланган ҳолатлардан ташқари, дори воситалари ва тиббий буюмларни давлат рўyxатига олиш мақсадида ўтказиладиган тиббиёт ва экология хавфсизлиги соҳасидаги барча тадқиқотларда қўлланилади.

2 Атамалар ва таърифлар

Мазкур стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлар билан қўлланади:

2.1 Яхши лаборатория амалиёти принциплари

2.1.1 яхши лаборатория амалиёти принциплари (Good Laboratory Practice (GLP):

Инсон соғлиғини саклаш ва ташқи муҳит хавфсизлиги соҳасидаги клиник олди синовларни ташкиллаштириш, режалаштириш, олиб бориш тартиби ва назорат қилиш, ҳамда расмийлаштириш, архивлаштириш ва олинган натижаларни тақдим этишга оид жараёнларини сифатини таъминлаш тизими.

2.1.2 дори воситалари: касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

2.1.3 дори моддалари (субстанциялар): фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар;

2.1.4 дори препаратлари: дозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўлланилиш учун тайёр дори воситалари;

2.1.5 доривор ўсимлик хом ашёси: дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун фойдаланиладиган, таркибида биологик фаол моддалар бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;



2.1.6 сифатсиз дори воситаси ва тиббий буюм: яроксиз ҳолга келган ва (ёки) яроклилиқ муддати ўтган дори воситаси ва тиббий буюм;

2.1.7 тиббий буюмлар: касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига руҳсат этилган буюмлар.

2.2 Синов марказларини ташкил этиш

2.2.1 синов маркази (test facility): Клиник олди тадқиқотларини бажариш учун керакли бўлган мутахассислар жамоаси, зарурий хона ва асбоб усқуналарга эга бўлган амалдаги жой. Агар тадқиқотлар бир нечта синов майдонларида амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда “синов маркази” атамаси, синовлар бўйича раҳбар жойлашган ва синовлар маркази ҳисобланган барча синов майдончалари жойлашган марказ тушунилади.

2.2.2 синов майдончаси (test site): Бирон-бир тадқиқотнинг алоҳида бир босқичини амалга ошириладиган жой.

2.2.3 синов маркази маъмурияти (test facility management): синов марказини расмий бошқарувчи ва яхши лаборатория амалиёти принципларини ташкиллаштириш ва уларга риоя қилиш бўйича жавобгар шахс ёки шахслар.

2.2.4 синов майдончаси маъмурияти (test site management): Синов майдончасини расмий бошқарувчи ва унда яхши лаборатория амалиёти принципларига риоя қилган ҳолда керакли тадқиқотларнинг бирор бир қисмини амалга ошириш бўйича жавобгар шахс ёки шахслар.

2.2.5 хомий (sponsor): Клиник олди тадқиқотларни ўтказиш бўйича тадқиқотлар ташаббусчи, буюртмаларни расмийлаштирувчи, қўллаб-қувватловчи ёки тасдиқловчи, уларни ташкил қилиш ва харажатларни қоплаш учун жавобгар жисмоний ёки юридик шахс.

2.2.6 тадқиқотлар раҳбари (study director): Тиббий ва экологик хавфсизлик соҳасидаги клиник олди тадқиқотларни бошидан охиригача ўтказишга масъул шахс.

2.2.7 жавобгар тадқиқотчи (principal investigator): тадқиқотларни бир нечта майдончаларда ўтказилиш зарурияти туғилган ҳолда, тадқиқотлар раҳбари номидан иш юритувчи ва тадқиқотларни унга топширилган қисми учун жавобгар шахс.

Илова: Жавобгар тадқиқотчига тадқиқот раҳбари вазифаси бутунлай юклатиб берилмади, чунки тадқиқот раҳбари вазифасига тадқиқот режасини ва унга киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш, якуний ҳисоботни тасдиқлаш, шунингдек барча тадқиқотлар яхши лаборатория амалиёти принциплари асосида ўтказилганини қафолатлаш каби вазифалар юклатилган.

2.2.8 сифатни таъминлаш дастури (quality assurance programme): асосий тадқиқотларни ўтказишга жалб этилмаган ходимлар томонидан бажариладиган ва синов маркази маъмурияти томонидан яхши лаборатория амалиёти принципларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган иш дастури.

2.2.9 стандарт операцион процедуралар СОП (standard operating procedures; SOPs): Тадқиқот режасида ёки тадқиқотни ўтказиш йўриқномасида батафеил кўрсатилмаган ва аниқ бир фаолият турини бажаришда бир хилликка эришишга йўналтирилган, тадқиқотни ўтказиш жараёнлари ёки бошқа фаолият таърифланган батафеил ёзма йўриқномалар.

2.2.10 асосий режа-чизма (master schedule): Синов марказида иш ҳажмини баҳолашга ва ўтказилаётган тадқиқотлар назорати учун қўлланиладиган маълумотлар тўплами, яъни ўзида йирик босқичлар ва асосий ходисаларни акс эттирган умумлаштирилган даражадаги ишлар чизмаси.

2.3 Тиббий ва экологик хавфсизлик бўйича клиник олди тадқиқотлар
2.3.1 Клиник ва экологик хавфсизлик бўйича клиник олди тадқиқотлар (non-clinical health and environmental safety study): Назорат органлари кўриб чиқиши учун мўлжалланган ва объектларнинг хоссалари ва хавфсизлигини намоён этувчи

маълумотларни олиш учун лаборатория, иссиқхона ёки дала шароитида тадқиқот объекти таҳлили ўтказиладиган тажриба ёки тажрибалар қатори.

2.3.12 қисқа муддатли тадқиқот (short-term study): Қисқа муддат мобайнида, кенг тарқалган стандарт услублар ёрдамида ўтказиладиган тадқиқот.

2.3.13 тадқиқот режаси (study plan): Тадқиқот ўтказиш ва унга киритилган барча ўзгартиришларни ақс эттирувчи, тажрибанинг мақсади ва методологиясини намоён этувчи ёзма ҳужжат.

2.3.14 тадқиқот режасига ўзгартириш (study plan amendment): Тадқиқот ўтказиш бошлангандан сўнг, тадқиқот режасига мақсадга мувофиқ киритилган ўзгартириш.

2.3.15 тадқиқот режасидан четланиш (study plan deviation): Тадқиқот ўтказиш бошлангандан сўнг, тадқиқот режасидан кўзда тутилмаган четланиш.

2.3.16 тест-тизим (test system): Тадқиқотда қўланиладиган, алоҳида ёки бирор бир мажмуадаги биологик, кимёвий ёки физик тизим.

2.3.17 тадқиқотнинг бирламчи кўрсаткичлари (raw data): тадқиқот вақтида олинган кузатиш натижалари ва процедураларни ўзида ақс эттирган синов маркази иш ёзувлари ва ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг тасдиқланган нусхалари.

Илова - тадқиқотнинг бирламчи кўрсаткичлари бўлиши мумкин: фотосуратлар, микрофильмлар, микроплёнкалар, уларнинг нусхалари, дискеталар ва компакт-дисклар, иш ёзувлари ҳамда автоматлаштирилган асбоб-ускуналарининг кўрсаткичлари, шунингдек аниқ вақт мобайнида ахборотларни безарар сақлаш имкониятини берувчи турли ахборот сақлаш воситалари (2.3.10 қаранг).

2.3.18 намуна (specimen): Тест-тизимдан ўрганиш, таҳлил қилиш ёки сақлаш учун олинган ҳар қандай материал.

2.3.19 тажрибанинг бошланиш санаси (experimental starting date): Тажрибанинг биринчи натижалари олинган сана.

2.3.20 тажрибанинг тугалланиш санаси (experimental completion date): Тажрибанинг сўнгги натижалари олинган сана.

2.3.21 тадқиқотнинг бошланиш санаси (study initiation date): Тадқиқот раҳбари томонидан тадқиқот режаси имзоланган сана.

2.3.22 тадқиқотнинг тугалланиш санаси (study completion date): Тадқиқот раҳбари томонидан якуний ҳисобот имзоланган сана.

2.4 Тадқиқот объекти (тадқиқот ўтказиладиган ёки тестланувчи объект)

2.4.1 тестланувчи объект (test item): Тадқиқот предмети ҳисобланувчи объект.

2.4.2 стандарт объект (намуна), «назорат» объекти (намуна) (reference item, «control item»): Расмий (юримдик) тасдиқланган таркибда эга бўлган, тадқиқот объекти (намуна) билан солиштириш учун ишлатиладиган объект (намуна).

2.4.3 партия, серия (batch, lot): Аниқ бир ишлаб чиқариш цикли давомида олинган, ҳамда бир хил характерга эга бўлган тадқиқот қилинадиган ёки стандарт объектнинг маълум микдори.

2.4.4 ташувчи (vehicle): Тестланувчи ёки стандарт объектни тест-тизимга киритишни енгиллаштириш мақсадида аралаштириладиган, диспергирланадиган ёки эритиладиган модда.

3 Мақсади ва қўлланилиши

3.1 Меъёр. қоида ва кўрсатмалар тизимидан иборат бўлган яхши лаборатория амалиёти принциплари, клиник олди (клиник олди, лаборатория, тажриба) тадқиқотлари натижаларини мувофиқлиги ва тўғрилигини таъминлаш учун мўлжалланган.

3.2 Яхши лаборатория амалиёти принциплари, синов жараёнлари ва шароитларини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган сифатни таъминлаш тизими сифатида белгиланган бўлиб, унда соғлиқни сақлаш ва экологик афзалроқ режасидаги клиник олди

тадқиқотлар режалаштирилган, бажарилган, назорат қилинган ва рўйхатга олинган бўлиши керак.

3.3 Яхши лаборатория амалиёти принциплари фармакологик, токсикологик ва биологик йўналишдаги бошқа лабораторияларнинг иш фаолиятига тааллуқли.

3.4 Яхши лаборатория амалиёти принциплари янги дори препаратларини тажрибавий ўрганиш босқичидаги илмий тадқиқотлар натижаларини инобатга олиш мумкинлигини таъминлашга йўналтирилган. Инобатга олиш мумкинлиги бунда бир томондан, натижаларни исботланувчанлигини ва ишончлилигини, иккинчи томондан лаборатория ҳайвонлари билан инсонларварлик принциплари асосида муносабатда бўлишни билдиради.

3.5 Классик кимевий моддалар, шунингдек биотехнологик, ген-модифицирланган, нанотехнологик махсулотларнинг кимевий ва биологик хавфсизлигини ўрганиш билан шуғулланувчи ташкилотлар хоналари, асбоб-ускуналари, ходимлари, услублари ва ҳужжатлари меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб беришини кафолатловчи сифатни таъминлаш хизматига эга бўлиши шарт.

3.6 Сифатни таъминлаш хизмати тадқиқотларни олиб боришда иштирок этувчи ходимлардан мустақил бўлиши шарт. Бирок ушбу хизмат ходимлари тадқиқот ўтказиш жараёнлари билан таниш бўлиши ва синов маркази раҳбариятига бевосита ҳисобот беришлари зарур.

4 Яхши лаборатория амалиёти принциплари

4.1 Синов марказининг ташкилий тузилиши ва ходимлари

4.1.1 Синов маркази маъмуриятининг мажбуриятлари

4.1.1.1 Синов маркази маъмурияти, яхши лаборатория амалиёти принципларига тўлақонли амал қилинишига кафолат бериши шарт.

4.1.1.2 Шу жумладан маъмурият куйидагиларни бажариши шарт:

a) яхши лаборатория амалиёти принципларига асосан тадқиқотларни бошқаришга тўла жавобгар шахс(лар)ни аниқловчи йўриқномани тасдиқлаш;

b) Тадқиқотларни ўз вақтида ва самарли ўтказиш учун етарли миқдорда малакали ходимлар, тегишли хоналар, асбоб-ускуналар ва материаллар бўлишини кафолатлаш;

c) мутахассислар ва техник ходимлар малакаси, маълумоти, иш тажрибаси ва мансаби бўйича мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатларнинг бўлишини таъминлаш;

d) ҳамма ходимлар ўз мажбуриятларини аниқ тушунишларини, шунингдек зарурият туғилганда уларни ўқитишни ва тайёрланишларини таъминлаш;

e) тадқиқот ишларини амалда бўлган стандарт операцион процедуралар асосида бажарилишига; стандарт операцион процедуралар ва уларга киритилган ўзгартиришларни тасдиқлашга жавобгар бўлиш;

f) яхши лаборатория амалиёти принциплари асосида сифатни таъминлаш дастурини ташкил этиш ва амалга оширишга жавобгар бўлиш;

g) тадқиқот бошланишидан аввал тадқиқот ишларига раҳбар сифатида зарур маълумотга, малакага ва иш тажрибасига эга бўлган раҳбарни тайинлаш. зарур;

h) тадқиқотлар бир нечта майдончаларда амалга оширилаётганда, зарур бўлган ҳолатларда, керакли маълумотга, малакага ва иш тажрибасига эга бўлган ишчилар каторидан жавобгар тадқиқотчини тайинлаш. Жавобгар тадқиқотчини ўзгартириш ўрнатилган тартибда амалга оширилиши ва ҳужжатлаштирилиши зарур;

i) тадқиқот режасини тадқиқот раҳбари томонидан расмий тасдиқланишини кафолатлаш;

j) тадқиқот раҳбари сифатни таъминлаш хизмати ходимларига тасдиқланган тадқиқот режасини тақдим этилишини кафолатлаш;

k) барча стандарт операцион процедураларнинг тарихий файллари базасини тўлақонли раҳбарнинг таъминлаш;

l) архив(лар)ни бошқариш бўйича жавобгар шахсни тайинлаш;
 m) асосий режа-чизманинг бажарилишини таъминлаш;
 n) синов марказидаги ресурсларни, улар ишлатиладиган тадқиқотлардаги талаблар доирасида бўлишини кафолатлаш;

o) бир нечта синов майдончаларида тадқиқотларни олиб боришда тадқиқот раҳбари, тадқиқотга жавобгар шахс, сифатни таъминлаш хизмати ходимлари ва тадқиқотни бажарувчи мутахассислар ўртасида доимий алоқани таъминлаш;

p) тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектларни тегишли равишда таърифланганлигини кафолатлаш;

q) компьютерлаштирилган тизимларни тадқиқот вазифаларини бажарилишига мутаносиблигини, ҳамда яхши лаборатория амалиёти принциплари асосида валидацияланишини, бошқарилишини ва таъминланишини тасдиқлаб турувчи процедураларни ўрнатиш.

4.1.1.3 Айнан шу синов майдончасида тадқиқотнинг бирон-бир босқичи бажариладиган бўлса, ушбу синов майдончаси раҳбарияти ваколатига (агар бу олдиндан кўзда тутилган бўлса) **4.1.1.2** даги g), i), j) ва o) пунктларидан ташқари, юқорида келтирилган барча мажбуриятлар қиради.

4.1.2 Тадқиқот раҳбарининг мажбуриятлари

4.1.2.1 Тадқиқот раҳбари тадқиқотлар бажарилиши бўйича умумий раҳбарликни амалга оширади, ҳамда олинган натижалар бўйича якуний ҳисоботни тайёрлашга масъул ҳисобланади.

4.1.2.2 Тадқиқот раҳбарининг мажбуриятларига, бу билан чегараланмаган ҳолда, қуйидаги функциялар қиради.

Тадқиқот раҳбари қуйидагиларни бажариши лозим:

a) тадқиқот режасини ва ундаги ўзгартиришларни сана қўйилган имзо билан тасдиқлаш;

b) сифатни таъминлаш бўйича ходимларни тадқиқот режаси нусхаси ва унга киритилган қўшимча(ўзгартириш)лар билан ўз вақтида таъминланиши ва бутун тадқиқот мобайнида ходимлар билан доимий мулоқотда бўлишини кафолатлаш;

c) шу тадқиқотни бажарувчи мутахассислар тадқиқот режаси ва унга тегишли қўшимчалар билан таъминланганлигини кафолатлаш;

d) тадқиқот режаси ва бир нечта синов майдончаларида бажарилган тадқиқот натижалари бўйича якуний ҳисобот, ушбу тадқиқотларда иштирок этган ҳар бир жавобгар тадқиқотчи(лар)нинг, синов марказлари ва синов майдончаларининг ўрнини белгилашини кафолатлаш;

e) тадқиқот режасига асосан ишларни бажаришда, тадқиқотнинг сифати ва бутунлигига таъсир этувчи барча тадқиқот режасидан четланишларни баҳолаш ва хужжатлаштириш олиб борилишини ва керак бўлганда тўғриловчи ҳаракатлар қабул қилинишини, шу билан бирга стандарт операцион процедуралардан четланишлар мумкинлигини тан олиш (ёки тан олмаслик)ни кафолатлаш;

f) барча бирламчи маълумотларни қайд этилишини тўла ҳажмда амалга оширилишини кафолатлаш;

g) тадқиқотларда ишлатиладиган компьютерлаштирилган тизимларни валидацияланганлигини кафолатлаш;

h) олинган маълумотларни ҳаққонийлиги ва тадқиқотлар яхши лаборатория амалиёти принципларига асосан бажарилганлиги ҳақида жавобгарликни олган ҳолда якуний ҳисоботни сана ва имзо қўйиш орқали тасдиқлаш;

i) тадқиқотлар якунлангандан сўнг тадқиқот режаси, якуний ҳисобот, бирламчи маълумотлар ва қўшимча материалларни архивга топширишнинг кафолатлаш.

4.1.3 Жавобгар тадқиқотчининг мажбуриятлари

Жавобгар тадқиқотчи унга юклатилган тадқиқот жарасини босқичларини яхши лаборатория амалиёти принципларига асосан бажариш

4.1.4 Тадқиқотни бажарувчи ходимларнинг мажбуриятлари

4.1.4.1 Тадқиқот ўтказилишига жалб қилинган барча ходимлар, улар бажараётган тадқиқотга тегишли яхши лаборатория амалиёти принципларини билишлари шарт.

4.1.4.2 Тадқиқотни бажарувчи ходимлар тадқиқот режасига ва тегишли стандарт операцион процедураларга эга бўлиши керак. Ушбу ҳужжатларда келтирилган йуриқномаларни бажариш унинг мажбуриятидир. Ушбу кўрсатмалардан ҳар қандай четланишлар кайд этилиши лозим; бундай четланишлар ҳақида тўғридан-тўғри тадқиқот раҳбари ёки жавобгар тадқиқотчи хабардор қилиниши лозим.

4.1.4.3 Ушбу, яхши лаборатория амалиёти принциплари асосида тадқиқотни бажарувчи ходимлар, бирламчи кўрсаткичларни аниқ ва ўз вақтида кайд этиб боришлари ва олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги бўйича жавобгар бўлишлари лозим.

4.1.4.4 Тадқиқотни бажарувчи ходимлар ўз соғлиғи учун зарарни олдини олиш ва тадқиқотларни тўлақонли ўтказилишни таъминлаш эҳтиёт чораларини кўришлари керак. Бетоб ходимнинг йўқлиги ўтказилаётган тадқиқот ишларига таъсир кўрсатмаслиги учун, ҳар қандай касаллик ёки ҳолсизлик ҳолатлари ҳақида раҳбарият хабардор қилиниши керак.

4.2 Сифатни таъминлаш дастури

4.2.1 Умумий ҳолатлар

4.2.1.1 Синов маркази, унда ўтказилаётган тадқиқотлар яхши лаборатория амалиёти принципларига монанд бўлиши учун, ҳужжатлаштирилган сифатни таъминлаш дастурига эга бўлиши керак.

4.2.1.2 Сифатни таъминлаш дастурини бажаришга, синов маркази раҳбарияти томонидан белгиланган, бевосита унга ҳисобот берувчи ва тадқиқотлар услублари билан таниш бўлган ваколатли шахслар жавоб беради.

4.2.1.3 Сифатни таъминлашга жавобгар шахслар, тадқиқотлар ўтқизиш учун жалб этилмайдилар.

4.2.2 Сифатни таъминлаш бўйича ходимларнинг мажбуриятлари

Сифатни таъминлаш бўйича ходимлар, бу билан чегараланмаган ҳолда, қуйидаги вазифаларни бажариши шарт. Сифатни таъминлаш бўйича ходимлар қуйидагиларни бажаришлари лозим:

а) синов марказида қўлланиладиган барча тасдиқланган тадқиқот режаларига, стандарт операцион процедуралари намуналарига ва шу вақт мобайнида қўлланилаётган асосий режа-тизим нусхасига эга бўлиши керак;

б) тадқиқот режаси яхши лаборатория амалиёти принципларига риоя қилиниши ҳақидаги маълумотга эгаллигини текшириш лозим. Бу текшириш ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт;

в) тадқиқотга жалб қилинган ходимлар барча ўтказилаётган тадқиқотларни яхши лаборатория амалиёти принципларига асосан олиб бораётгани, тадқиқот режаларига ва стандарт операцион процедураларга эга эканлиги устидан тизимли назоратни амалга ошириши керак.

Стандарт операцион процедураларга асосан сифатни таъминлаш дастурида келтирилган уч турдаги инспекцион назорат кўзда тутилган:

- алоҳида тадқиқотлар назорати,
- синов майдончаларининг назорати,
- айрим босқичларнинг назорати.

Бундай инспекцион назоратларнинг протокол (ҳисобот)ларини йук қилиш мумкин эмас;

а) яқиний ҳисоботларни текшириш; услублар, жараёнлар, кузатувлар ва олинган натижалар аниқ ва тўлиқ баён этилганлигини ва бирламчи тадқиқот натижаларини тўлиқ акс эттирилганлигини тасдиқлаш;

DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

b) синов маркази раҳбариятига, тадқиқот раҳбарига ва айрим ҳолларда бошқа раҳбар ходимларга инспекцион текширувлар натижаларини ёзма ҳолда тақдим этиш;

c) синов маркази раҳбариятига, тадқиқот раҳбарига ва жавобгар тадқиқотчига инспекцион текширув натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳисоботга, инспекцион назорат тури ҳақида тайёрланган ва имзоланган хулоса, у ўтказилган сана, текширилувчи тадқиқот босқич(лар)и ва инспекция натижалари тақдим этилган сана киритилиши керак. Шу билан бирга бу хулоса, бирламчи тадқиқот натижалари якуний ҳисоботда тўғри ифода этилганлиги ҳақида маълумотни акс эттириши шарт.

4.3 Хоналар

4.3.1 Умумий ҳолатлар

4.3.1.1 Тадқиқот ўтказиш учун мўлжалланган хоналар ўлчами, тузилиши ва жойлашиши тадқиқот мақсадларига жавоб бериши лозим. Хоналарнинг жойлашиши тадқиқот ўтказиш жараёнига минимал таъсир этиши шарт.

4.3.1.2 Хоналар шундай режалаштирилган бўлиши керакки, турли кўриниш(тип)даги тадқиқотлар бир-биридан максимал ажратилган ҳолда ўтказилиши шарт.

4.3.2 Тадқиқотларни ўтказиш учун хоналар

4.3.2.1 Биологик хавфли турга кирувчи моддалар ёки организмларни ишлатилиши кўзда тутилганлиги маълум бўлса, текширилувчи тизим ва алоҳида тадқиқот лойиҳаларини ажратилганлигини таъминлаш мақсадида, синов марказида етарли микдорда хоналар ва зоналар бўлиши шарт.

4.3.2.2 Тест-тизимларнинг турғунлигини ва бутлигини таъминлаш мақсадида, касалликларни ташхис қилиш, даволаш ва назорат қилиш учун мос келувчи хоналар ва зоналар ажратилган бўлиши шарт.

4.3.2.3 Синов маркази қошида ресурслар ва асбоб-ускуналар учун хоналар, шунингдек сақлаш учун хоналар бўлиши шарт. Бу хоналар тест-тизимлар жойлашган хоналар ёки зоналардан, инвазиядан тўлиқ химоялаш, ифлосланиш ва ёки зарарланишдан сақлаш мақсадида ажратилган бўлиши шарт.

4.3.3 Тадқиқот қилинадиган ва стандарт(контроль) объектларга ишлов бериш хоналари

4.3.3.1 Тадқиқот қилинадиган ва стандарт(контроль) объектларни қабул қилиш ва сақлаш, тадқиқот қилинаётган объектларни ташувчи(эритувчи)лар билан аралаштириш вақтида ифлосланишларни олдини олиш учун, синов марказида алоҳида хоналар ёки зоналар бўлиши шарт.

4.3.3.2 Тадқиқот қилинадиган объектларни сақлаш хоналари тест-тизимлар сақланадиган хоналар ёки зоналардан ажратилган бўлиши шарт ва улар чинлигини таъминлаш, концентрацияси, тозаллиги ва турғунлиги, шунингдек зарарли моддаларни хавфсиз сақлаш талабларига жавоб бериши шарт.

4.3.4 Архивлар учун хоналар

Тадқиқот режаларини, бирламчи натижаларни, якуний ҳисоботларни ва намуналарни хавфсиз сақлаш ва излашга имкон берувчи архивлар учун хоналар кўзда тутилган бўлиши керак. Бундай хоналарда архив материалларини узоқ муддат сақлаш учун шароитлар яратилган бўлиши шарт.

4.3.5 Чикиндиларни йўқ қилиш

Чикиндиларни қайта ишлаш ва йўқ қилиш шундай амалга оширилиши керакки, бу иш тадқиқотларни ўтказишга хавф солмаслиги ва улар натижаларни нотўғри талқин этмаслиги шарт. Бунинг учун чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва чиқариб ташлаш, дезактивация қилиш ва кейинги ташиш шароитлари яратилиши шарт.

4.4 Асбоб-ускуналар, материаллар ва реагентлар

4.4.1 Маълумотларни яратиш, сақлаш ва излашда ишлатиладиган наф-мухит кўрсаткичларини назорат қиладиган, шу жумладан вайдалатилган компьютер

тизимлари, тавсифлари ва жойлашиши бўйича тадқиқотлар мақсади ва вазифаларига мос бўлиши шарт.

4.4.2 Тадқиқотда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни, давомий равишда техник хизматни, доимий профилактик кўриқларни, хизмат қилишни, калибровкасини стандарт операцион процедураларга монанд амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, даврий-техник кўриқдан ўтказиш кўзда тутилган бўлиши шарт. Бу ишлар тегишли ёзувлар билан хужжатлаштирилиши керак. Ускуналарни калибровка қилиш миллий ёки халқаро ўлчов стандартлари ёрдамида амалга оширилиши керак.

4.4.3 Тадқиқотларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва материаллар тест-тизимлар ҳолатига таъсир этмаслиги керак.

4.4.4 Химикатлар, реактивлар ва эритмалар номи, концентрацияси, сақлаш муддати санаси ва сақлаш йўриқномаси кўрсатилган ёрликка эга бўлиши керак. Турғунлиги, ишлаб чиқариш вақти, ишлаб чиқарилган жойи ҳақидаги маълумот бўлиши керак. Сақлаш муддатини узайтирилиши хужжатлаштирилган текширув ёки таҳлил асосида амалга оширилади.

4.5 Тест-тизимлар (синов тизимлари)

4.5.1 Физик ва кимёвий тест-тизимлар

4.5.1.1 Физик ва кимёвий кўрсаткичларни олиш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг техник характеристикалари ва жойланиши тадқиқот мақсадларини қондириши керак.

4.5.1.2 Физик-кимёвий тест-тизимларнинг бутлиги қафолатланган бўлиши шарт.

4.5.2 Биологик тест-тизимлар

4.5.2.1 Биологик тест-тизимларни сақлаш, жойлаштириш, қайта ишлаш ва ҳимоялаш учун, олинадиган натижаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайдиган тегишли шарт-шароитлар яратилиши керак.

4.5.2.2 Янги қабул қилинган ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган тест-тизимлар, уларнинг соғлигини баҳолаш учун алоҳида айрим сақланиши шарт. Агар тадқиқотларда ишлатиладиган ҳайвонлар касалланса ёки ўлса, бу ҳайвонлар текширувларда ишлатилмайди ва зарурият тугилганда оғриқсиз ўлдирилади. Тадқиқотлар бошлангунча барча тест-тизимлар соғлом бўлиши шарт. Тадқиқотлар жараёнида тест-тизимда касаллик ёки шикастланиш аниқланса, агар бу тадқиқотлар тўлиқлигига таъсир этса, уларни ажратиш ва даволаш керак. Тадқиқот вақтида ёки тадқиқот бошланишига қадар қўйилган таъхис ва даволашлар хужжатлаштирилган бўлиши керак.

4.5.2.3 Тест-тизимларни манбалари, келиб тушиш санаси ва келиб тушиш вақтидаги ҳолати қайд этилиши кўзда тутилиши лозим.

4.5.2.4 Тадқиқотнинг тадқиқот қилинадиган ёки стандарт объектлари биринчи бор юборилишидан аввал биологик тест-тизимлар, тадқиқот шароитларига мослашишига етарли бўлган, иқлимлаштириш давридан ўтиши лозим.

4.5.2.5 Тест-тизимларини тўлиқ аниқлаш учун зарур маълумотлар хона эшикларидан ёки контейнерларда кўрсатилиши шарт. Тадқиқот жараёнида ўз хоналаридан ёки контейнерларидан чиқариб ташилладиган алоҳида тест-тизимлар, белгиланган ёрликка эга бўлиши керак.

4.5.2.6 Тест-тизимлар сақланадиган хоналар ва контейнерлар мунтазам тозаланиб ва санитар ишлов бериб турилиши керак. Тест-тизимлар билан алоқада бўлган материаллар, тадқиқот жараёнига таъсир этадиган миқдорда ифлослантирувчи моддалар сақламаслиги керак.

Ҳайвонлар тагликлари ўз вақтида алмаштириб турилиши керак. Пестицидлар ишлатиладиган барча ҳолларда инобатга хужжатлаштирилиши шарт.

4.5.2.7 Дала шароитларида ўтказиладиган тадқиқотларда тест-тизимлар шундай жойлаштирилиши лозимки, таъриба жараёнига пурқаладиган суюқликларнинг

(хашоратларни йўқ қилиш учун ишлатиладиган) ва пестицидларнинг таъсири бўлмаслиги керак.

4.6 Тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектлар

4.6.1 Қабул қилиш, ишлов бериш, намуналарни танлаб олиш ва сақлаш

4.6.1.1 Тадқиқотлар тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектлари характеристикалари, олинган санаси, сақлаш муддати, бошланғич миқдорини ва сарфланган миқдорини ҳисоби тўғрисидаги маълумотлари кўрсатилган кайд қилиш ёзувларини олиб бориш кўзда тутилган бўлиши шарт.

4.6.1.2 Тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектларга ишлов бериш, намуна олиш ва сақлаш шароитлари шундай ташкил этилган бўлиши керакки, уларни бир хиллиги, барқарорлиги сақланиб, бу объектларнинг ифлосланишини ва аралашиб кетишини олдини олиш шарт.

4.6.1.3 Текширилувчи ва стандарт объектларни сақлаш учун мўлжалланган контейнерларда идентификацион маълумот, сақлаш муддати ва уни сақлаш йўриқномаси кўрсатилган бўлиши керак.

4.6.2 Тадқиқот объектларининг характеристикаси

4.6.2.1 Ҳар бир тадқиқот қилинадиган ва стандарт объект ўрнатилган тартибда идентификацияга ва умумий қабул қилинган халқаро номга эга бўлиши керак (мисол учун), кодга эга бўлмоғи керак, CAS-номери (Америка кимё жамиятининг кимёвий адабиётлар бўйича ахборот хизматининг кайд этиш рақами), номи, биологик параметрлари, IUPAC (Халқаро назарий ва амалий кимё бирлашмаси номенклатураси бўйича номи).

4.6.2.2 Ҳар бир тадқиқотни ўтказиш учун тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектларнинг партия (серия) рақами, тозалик даражаси, таркиби, концентрацияси ва бошқа зарур кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар бўлиши шарт.

4.6.2.3 Агар тадқиқот қилинадиган объектлар тўғридан-тўғри хомийдан олинса, унда синов маркази ва хомий уларни идентификация қилиш механизмини ишлаб чиқиши шарт.

4.6.2.4 Ҳар бир тадқиқот жараёнида текширилувчи ва стандарт объектларнинг барқарорлигини, тажрибани олиб бориш даврида сақлаш жараёнида, текшириб туриш зарур.

4.6.2.5 Агар тадқиқот қилинадиган объект маълум бир шароитда ишлатиш учун мўлжалланган бўлса, уни бир хиллиги, концентрацияси ва тургунлиги шу шароитда аниқланиши керак. Дала шароитида ўтқазиладиган тажрибаларда бу хусусиятлар алоҳида лаборатория тажрибалари вақтида аниқланади.

4.6.2.6 Ҳар бир тадқиқот учун, қисқа муддатли текширувлардан ташқари, текширилувчи объектларнинг ҳар бир партиядан (сериядан) таҳлил учун намуна сақлаб қўйиш шарт.

4.7 Стандарт операцион процедуралар

4.7.1 Тадқиқот жараёнларида олинган натижаларни тўлиқлигини ва сифатини қафолатлаш учун, синов маркази ёзма равишда расмийлаштирилган ва раҳбарият томонидан тасдиқланган стандарт операцион процедураларга (СОП) эга бўлиши шарт. Қайта кўриб чиқилган стандарт операцион процедуралар ҳам синов маркази раҳбарияти томонидан тасдиқланиши керак.

4.7.2 Синов марказининг ҳар бир бўлими ва/ёки майдончаси, уларнинг фаолиятига тегишли стандарт операцион процедураларга эга бўлиши керак. Бу СОПларга қўшимча равишда бошқа методик қўлланмалар, ахборотномалар ва махсус мақолалардан фойдаланиш мумкин.

4.7.3 Тадқиқот даврида СОПдан четланиш кайд қилиниши ва тадқиқот раҳбари ва жавобгар тадқиқотчи(лар) томонидан тан олинishi (имзоланиши) шарт.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4.7.4 Стандарт операцион процедуралар куйидаги фаолият кўринишлари учун қўлланиши шарт (бирок улар билан чегараланмасдан):

4.7.4.1 Тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектлар

Келиб тушиши, идентификацияси, ёрлиқлаш, қайта ишлаш, намуна олиш, сақлаш.

4.7.4.2 Асбоб-ускуналар, материаллар ва реагентлар

а) Асбоб-ускуналар:

- ишлатилиши, хизмат кўрсатилиши, парваришлаш, калибровка қилиш;

б) Компьютерлаштирилган тизимлар:

- валидация, ишлаш тартиби ва хизмат кўрсатиш, хавфсизлиги, ўзгартиришлар назорати, захира нусхаларини ташкил этиш;

с) Моддалар, реагентлар ва эритмалар:

- тайёрланиши ва ёрлиқланиши.

4.7.4.3 Ёзувларни сақлаш, ҳисобот, ахборотларни олиш ва сақлаш. Тадқиқотларни кодлаш, маълумотларни йиғиш, ҳисоботларни тайёрлаш, индексация қилиш тизимлари, натижаларга ишлов бериш, шу жумладан компьютерлаш тизимлари ёрдамида.

4.7.4.4 Тест-тизимлар:

а) тест-тизимларни жойлаштириш учун хоналарни тайёрлаш ва шароит яратиш;

б) тест-тизимларни қабул қилиш, ташиш, жойлаштириш, характеристикаларини аниқлаш ва идентификациялашни белгиловчи, шу билан бирга парвариш қилиш билан боғлиқ процедуралар;

с) тест-тизимларни тайёрлаш, тадқиқот жараёнига, тадқиқот вақтида, тадқиқотдан сўнг уларни кузатиб бориш;

д) тадқиқот вақтида ҳалок бўлаётган ёки ҳалок бўлган тест-тизимларга бўлган муносабат:

е) намуналарни йиғиш, уларни индексация қилиш ва ишлаш тартиби, мурдани очиш ва гистопатология билан бирга;

ф) синов майдончаларида тест-тизимларни жойлаштириш.

4.7.4.5 Сифатни таъминлаш бўйича процедуралар

Сифатни таъминлаш хизмати ходимларининг иши режалаштириш, текширувлар чизмасини тузиш, текширувларни ўтказиш, хужжатлаштириш ва текширувлар ҳақидаги ҳисоботларни тузишдан иборат.

4.8 Тадқиқотларни ўтказиш

4.8.1 Тадқиқот режаси

4.8.1.1 Тадқиқот режаси тадқиқот ўтказилишидан олдин ёзма ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши керак. Тадқиқот режаси яхши лаборатория амалиёти принципларига биноан тадқиқот раҳбари томонидан санаси кўрсатилган равишда имзоланган ва сифатни таъминлаш хизмати ходимлари томонидан излаштирилган бўлиши керак (4.2.2.1 да “в” қисмида кўрсатилган). Тадқиқот режаси синов маркази раҳбарияти ва хомий томонидан ҳам тасдиқланган бўлиши керак.

4.8.1.2 а) Тадқиқот режасига ўзгартиришлар асосланган бўлиши ва тадқиқот раҳбари томонидан санаси кўрсатилиб имзоланган бўлиши керак. Ўзгартиришлар тадқиқот режаси билан бирга сақланиши керак.

б) Тадқиқот режасидан четланишлар ёзма равишда кўрсатилиши, тушунтирилиши, қабул қилиниши ва ўз вақтида жавобгар тадқиқотчи ёки тадқиқот раҳбари томонидан санаси кўрсатилган ҳолда имзоланиши керак. Тадқиқот режасидан четланишлар тадқиқотнинг бирламчи натижалари билан сақланиши керак.

4.8.1.3 Тадқиқотнинг асосий режаси қисқа муддатли тадқиқотларни ўтказиш учун махсус йлова билан туширилиши мумкин.

4.8.1.4 Тадқиқот режасининг мазмуни

Тадқиқот режаси куйидаги маълумотларни ўз ичига олади, лекин улар билан чегараланиб қолмайди:

STANDART AGENTLIGI
DAVLAT A'ZDORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4.8.2.1 Тадкикот, тадкикот қилинадиган ва стандарт объектлар ҳақида маълумот:

- a) тадкикотнинг тўлиқ номи;
- b) тадкикотнинг маъноси ва мақсади;
- c) (IUPAC) Халқаро назарий ва амалий кимё бирлашмаси номенклатураси, ((CAS) Америка кимё жамиятини ахборот хизматининг кайд этиш рақами бўйича коди ёки номи орқали текширилувчи объектни тасвирлаш, биологик параметрлари ва шу қабилар.
- d) ишлатиладиган стандарт (назорат) объекти.

4.8.2.2 Синов маркази ва хомий ҳақида маълумот:

- a) манзили кўрсатилган ҳолда хомий ҳақидаги маълумот;
- b) тадкикот ўтказилиши кўзда тутилган барча синов марказлари ва майдончаларининг номи ва манзили;
- c) тадкикот раҳбарининг исми, шарифи ва манзили;
- d) жавобгар тадкикотчининг исми, шарифи, манзили ва унга тадкикот раҳбари томонидан бажариш учун юклатилган тадкикот босқичлари.

4.8.2.3 Саналар:

- a) тадкикот раҳбари томонидан тасдиқланган тадкикот режаси санаси. Тадкикот режасининг синов маркази раҳбарияти ва хомий томонидан тасдиқланган санаси;
- b) тажрибанинг тахминий бошланиш ва тугалланиш саналари.
- b) тажрибанинг тахминий бошланиш ва тугалланиш саналари.

4.8.2.4 Синов услублари

Иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан ишлаб чиқилган қўлланманинг бўлимларидан кўчирмалар, бошқа қўлланмалар ва услублар.

4.8.2.5 Бошқа муаммолар:

- a) тест-тизимларни танлашни асослаш;
- b) тест-тизимларнинг характеристикалари: тури, насли, штамми, сотиб олиш манбалари, миқдори, тана оғирлиги диапазони, жинси, ёши ва бошқа эътиборга лойиқ маълумотлар ва б.;
- c) юбориш услуги ва уни танлашни асослаш;
- d) доза даражаси ва/ёки концентрация, юборишнинг тезлиги ва давомийлиги;
- e) тажриба лойиҳаси тўғрисида тўлиқ маълумот: тадкикот жараёнларининг хронологик тартибдаги таърифи, ҳамма қўлланилган услублар, тадкикот ўтказиш моддалари ва шароитлари, таҳлиллар, ўлчовлар, кузатувлар ва текширувларнинг тури ва тезлиги, маълумотларга статистик ишлов бериш услублари.

4.8.2.6 Ёзувлар

Сакланиши керак бўлган ҳамма ёзувлар ва ҳужжатларнинг рўйхати.

4.8.3 Тадкикот ўтказиш

4.8.3.1 Ҳар бир тадкикотга уникал идентификацион рақам (код) берилиши шарт. Ушбу тадкикотга таалукли барча объектларга ҳам идентификацион рақам (код) берилиши шарт. Тадкикотларда қўлланиладиган барча намуналар, келиб чиқишларини тасдиқлаш учун идентификация қилинган бўлиши шарт. Бундай идентификация қилинган намуналарни ва тадкикотларни кузатилиб турилишини амалга оширишга имкон яратиш керак.

4.8.3.2 Тадкикотлар тадкикот режасига асосан амалга оширилиши шарт.

4.8.3.3 Тадкикот бажарилиши даврида олинган барча натижалар ўз вақтида, тез, аниқ ва раван ёзиб борилиши, шу ёзувларни ёзган ходим томонидан санаси кўрсатилган ҳолда имзоланиши шарт.

4.8.3.4 Бирламчи натижалардаги ҳар қандай ўзгартиришлар шундай ўтказилиши керакки, аввалги натижалар йўқолмаслиги керак; ўзгартириш киритилишини сабаби кўрсатилиши шарт. Ўзгартириш уни киритган ходим томонидан санаси кўрсатилган ҳолда имзоланиши керак.

4.8.3.5 Компьютерга тўғридан-тўғри киритиш йўли билан рўйхатга олинган маълумотлар шу жараёнга жавобгар бўлган шахс томонидан киритиш вақтида

идентификация қилинган бўлиши шарт. Компьютерлаштирилган тизим мосламаси бирламчи маълумотларни беркитмасдан туриб, барча ўзгартиришларни кўрсатиш учун, барча аудиторлик ҳисоботларни сақланишини кузатиши имконияти бўлиши учун таъминлаши зарур. Ўзгартиришларни ким киритганлигини кузатиш имконияти бўлиши учун, масалан, бир вақтда бажариладиган ва сана қўйиладиган (электрон) имзо бўлиши лозим. Ўзгартиришлар киритишнинг сабаблари келтирилиши керак.

4.9 Тадқиқот натижалари ҳақида ҳисобот

4.9.1 Умумий ҳолатлар

4.9.1.1 Ҳар бир тадқиқотдан сўнг якуний ҳисобот тайёрланиши керак. Қисқа муддатли тадқиқотларни натижалари, стандартлаштирилган якуний ҳисоботга тегишли иловалар кўринишида киритилиши ҳам мумкин.

4.9.1.2 Тадқиқотларда иштирок этадиган жавобгар тадқиқотчилар ҳамда илмий ходимлар ҳисоботларини имзо ва сана билан тасдиқлайдилар.

4.9.1.3 Якуний ҳисобот унда келтирилган маълумотларни ҳаққонийлигига жавобгарликни олган ҳолда тадқиқот раҳбари томонидан санаси қўйилиб, имзоланган бўлиши керак. Шунингдек, ҳисобот яхши лаборатория амалиёти принципларига тўғри келиши ҳам кўрсатилиши керак.

4.9.1.4 Якуний ҳисоботга тўғрилашлар ва қўшимчалар ўзгартиришлар кўринишида тақдим этилиши керак. Ҳисоботда тўғрилашлар ёки қўшимчалар киритиш сабаблари аниқ кўрсатилиши шарт. Ҳар бир ўзгартириш тадқиқот раҳбари томонидан имзо ва сана билан тасдиқланиши керак.

4.9.1.5 Якуний ҳисоботни давлат бошқаруви органи талаблари асосида қайта форматланиши ушбу ҳисоботга тўғрилашлар, қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш ҳаракати деб ҳисобланмайди.

4.9.2 Якуний ҳисоботнинг мазмуни

Якуний ҳисобот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт, лекин улар билан чегараланмаслиги керак:

4.9.2.1 Тадқиқот, тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектлар бўйича идентификацион маълумотлар:

а) кенгайтирилган номланиши;
 б) текширилувчи объектга тегишли идентификацион маълумотлар - код ёки номланиши (Назарий ва амалий кимё бўйича Ҳалқаро ташкилот номенклатурасига кўра (IUPAC), Америка кимё жамиятининг кимёвий адабиётлар бўйича ахборот хизматини рўйхати рақами бўйича (CAS), биологик характеристикалар ва бошқалар);

с) стандарт объектнинг номланиши;

д) тадқиқот қилинадиган объектнинг тозаллиги, турғунлиги ва бир хиллигини ўз ичига олган характеристикаси.

4.9.2.2 Ҳомий ва синов маркази ҳақида маълумот:

а) ҳомийнинг номи ва манзили;

б) тадқиқотда иштирок этувчи синов марказлари ва майдончаларининг номи, манзили;

с) тадқиқот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили;

д) жавобгар тадқиқотчи(лар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили, ҳамда унга бажариш учун топширилган тадқиқот босқичлари;

е) якуний ҳисоботга ҳисоботлари киритилган илмий ходимларнинг фамилияси, отасини исми ва манзили.

4.9.2.3 Саналар

4.9.2.4 Сифатни таъминлаш бўйича инспекторларнинг ҳисоботи.

Сифатни таъминлаш бўйича инспекторларнинг ҳисоботи бўйича бажарилган ишлар ҳисоботи ўтказилган текширувлар турлари ва саналари Тажрибанинг бошланиш ва якунланиш саналари.

STANDART IDENTIFIKATSION MA'LUMOTLAR VA STANDARTLASHTIRISH VA DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH BOSHQARMASI

тўғрисидаги, текширувдан ўтган тадқиқот босқичлари, тадқиқот раҳбари ва жавобгар тадқиқотчи(лар)га тақдим этилган санаси кўрсатилган текширув натижаларини ўз ичига олган бўлиши керак. Бу ҳолатлар якуний ҳисоботда тасдиқлаш учун лозим.

4.9.2.5 Тадқиқот материаллари ва услублари:

- a) тадқиқотларда ишлатиладиган материаллар ва услубларнинг таснифи;
- b) Тадқиқотда ишлатилган иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) услубий қўлланмасидан ёки бошқа расмий қўлланмалар ва услубий ҳужжатлардан олинган ахборот маълумотлар.

4.9.2.6 Натижалар:

- a) натижаларнинг қисқача мазмуни;
- b) тадқиқот режасини бажаришда олинган барча маълумот ва натижалар;
- c) олинган маълумотларни ҳисоб-китоби ва статистик ишловини ўз ичига олган натижаларни тақдимоти;
- d) натижаларни баҳолаш ва муҳокамаси, маълумотлар, хулосалар.

4.9.2.7 Сақлаш

Тадқиқот режаси, тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектларнинг намуналари, бирламчи маълумотлар ва якуний ҳисоботларни яхши шароитларда сақланишини таъминловчи жой белгиланиши керак.

4.10 Ёзма материаллар (ҳужжатлар) ва материалларни сақлаш

4.10.1 Архивда, белгиланган муддат мобайнида куйидаги ҳужжатлар ва материаллар сақланиши керак:

- a) тадқиқот режаси, бирламчи маълумотлар, тадқиқот қилинадиган ёки стандарт объектларнинг намуналари, ҳар бир тадқиқотнинг якуний ҳисоботлари;
- b) сифатни таъминлаш дастури бўйича бажарилган текширувлар материаллари, ҳамда асосий режа-чизма;
- c) ходимларни маълумоти, тайёргарлиги, малакаси ва иш тажрибаси ҳақидаги маълумотлар;
- d) асбоб-ускуналарни хизмати ва калибровкаси бўйича ёзма ҳужжатлар ва ҳисоботлар;
- e) компьютерлаштирилган тизимларни валидацияси бўйича ҳужжатлар;
- f) барча стандарт операцион процедураларнинг тарихий файллари;
- g) ташки муҳит ва тадқиқот ўтказиладиган жойлар параметрларини мониторинги тўғрисидаги ёзма ҳужжатлар. Агар материалларни сақлаш муддати белгиланмаган бўлса, у ҳолда тадқиқот материалларини ҳақиқий (доимий) сақланиш жойи белгиланган ва рўйхатга олинган бўлиши керак. Тадқиқот қилинадиган ва стандарт объектларни белгиланган сақлаш муддатигача йўқ қилиш сабаблари тушинтирилган (изоҳланган) бўлиши лозим. Текширилувчи ва стандарт объектлар, сифати уларни ишлатиш мумкин бўлгунга қадар сақланиши керак (объектларни сақлаш бўйича йўриқномага асосланган ҳолда).

4.10.2 Архивда сақланадиган материаллар, кидиришни осонлаштириш мақсадида каталогга киритилиши керак.

4.10.3 Архивдан фойдаланиш фақатгина синов маркази раҳбариятини рухсати билан амалга оширилиши лозим. Архив материалларини қабул қилиш ва бериш ҳаракатлари рўйхатга олиниш билан амалга оширилиши ҳисобга олинган бўлиши керак.

4.10.4 Агар архив жойлашган синов маркази ёки ташкилот фаолиятини тўхтатса ёки банкрот деб эълон қилинса ва ҳукукий давомчиси бўлмаса, у ҳолда архив материаллари тадқиқот(лар) хомий(лар)ини архивига топширилиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Библиография

- [1] Яхши лаборатория амалиёти (Good Laboratory Practice (GLP), Клиник олди (ноклиник) тадқиқотлар сифатини таъминлаш бўйича қўлланма. UNDP/World Bank/WHO, OECD Principles on Good Laboratory Practice)
- [2] Россия Федерациясининг ГОСТ Р 53434-2009 «Яхши лаборатория амалиёти принциплари» Миллий стандарти, Москва, Стандартиформ, 2010

**UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

**UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

OKC 01.020

Мухим сўзлар: Яхши лаборатория амалиёти принциплари, GLP, клиник олди тадқиқотлари, тадқиқот режаси, токсикологик тадқиқотлар, тадқиқотлар сифатини таъминлаш, тест-гизимлар, тиббий хавфсизлик, экологик хавфсизлик.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

АХБОРОТ МАЪЛУМОТЛАР

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш
Агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

Н.Н.Бердиев

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш
Агентлиги директорининг ўринбосари

А.С.Темиров

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий
техника экспертизаси ва стандартлаштириш
Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси директори

Ш.Х.Абдуганиев

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш
Агентлиги илмий тадқиқотларни ташкил
этиш, янги дори воситаларини ишлаб чиқиш
ва ўзлаштириш, сифат тизими ва инновацион
технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи

А.Ф.Дусматов

Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва
стандартлаштириш лабораторияси мудир

Г.Э.Болтабаева

Фармакологик-токсикологик таҳлил
лабораторияси мудир

М.Ж.Эргашева

Фармакология қўмитаси раиси ўринбосари

Б.Ш.Шаисламов

Фармакология қўмитаси етакчи мутахассиси

Б.Р.Мавлянов

Фармацевтика соҳасига халқаро
стандартларни жорий этишни
мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

А.Б.Ибрагимов

**Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N'ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

НАДЛЕЖАЩАЯ ЛАБОРАТОРНАЯ ПРАКТИКА (GLP)

Издание официальное

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ
УЗБЕКИСТАНА
НАДЛЕЖАЩАЯ ЛАБОРАТОРНАЯ ПРАКТИКА
MUNOVIQLASHIRISH
BOSHOIRMASTI

**Министерство здравоохранения
Республики Узбекистан**

Ташкент

Предисловие

1. РАЗРАБОТАН И ВНЕСЕН ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники» МЗ РУз.
2. ЗАРЕГИСТРИРОВАН и ВВЕДЕН В ДЕЙСТВИЕ Постановлением Узбекского агентства стандартизации, метрологии и сертификации (агентство «Узстандарт») за № _____ от « ____ » _____ 2018 года.
3. Настоящий стандарт составлен в соответствии с Национальным стандартом Российской Федерации ГОСТ Р 53434-2009 «Принципы надлежащей лабораторной практики».
4. ВЗАМЕН O'z DSt 2762:2013.

Информация о введении в действие (прекращение действия) настоящего стандарта и изменений к нему на территории Узбекистана публикуется в указателе, издаваемом Агентством «Узстандарт». В случае пересмотра или отмены настоящего стандарта соответствующая информация будет опубликована в информационном указателе, издаваемом Агентством «Узстандарт».

**U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

Исключительное право официального опубликования настоящего Государственного стандарта на территории Республики Узбекистан принадлежит Агентству Узстандарт

Содержание

1	Область применения.....	1
2	Термины и определения	1
2.1	Принципы надлежащей лабораторной практики.....	1
2.2	Организация испытательных центров.....	2
2.3	Доклиническое исследование медицинской и экологической безопасности.	3
2.4	Объект исследования (исследуемый или тестируемый объект).....	4
3	Назначение и применение	4
4	Принципы надлежащей лабораторной практики.....	5
4.1	Организация и персонал испытательного центра.....	5
4.2	Программа обеспечения качества.....	7
4.3	Помещения.....	8
4.4	Оборудование, материалы и реагенты.....	9
4.5	Тест-системы (испытательные системы).....	9
4.6	Исследуемые и стандартные объекты.....	10
4.7	Стандартные операционные процедуры.....	11
4.8	Проведение исследований.....	12
4.9	Отчет о результатах исследований.....	13
4.10	Хранение записей и материалов.....	15
	Библиография.....	16

**U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

ЯХШИ ЛАБОРАТОРИЯ АМАЛИЁТИ (GLP)

НАДЛЕЖАЩАЯ ЛАБОРАТОРНАЯ ПРАКТИКА (GLP)

GOOD LABORATORY PRACTICE (GLP)

Дата введения 30.11.2018

1 Область применения

